www.ishonch-doverie.uz

2011-yil 19-aprel № 49 (2930) seshanba

# Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

**Моҳият**

*Фермер биринчи навбатда ернинг, деҳқончиликнинг сир-асрорини пухта билиши керак. Табиатан деҳқончилик илмидан узоқ бўлган, билими ва тажрибаси етмайдиган одам ўзини ҳам, бошқаларни ҳам қийнайди.*

*Ислом КАРИМОВ*

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

# ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ЕР МАЙДОНЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШДА ҚОНУНЧИЛИККА РИОЯ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

***Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ва «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ҳамда фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мақсадида:***

1. Қайд этилсинки, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, фермер хўжаликлари давлат мулки бўлган ер майдонларини ижара шартномасини тузиш йўли билан узоқ муддатли ижарага бериш асосида, фермер томонидан шартномада назарда тутилган тегишли мажбуриятлар қабул қилинган ҳолда ташкил этилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришга доир барча масалалар маҳаллий ҳокимият органлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга қатъий мувофиқ равишда тақдим этиладиган даъволар асосида суд орқали ҳал қилинади.

3. Белгилансинки, фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришга доир даъво аризаларини қўзғатиш ва уларни судга ошириш учун фермер томонидан ўз зиммасига олинган шартнома мажбуриятларининг бажарилишини чуқур таҳлил этишда қуйидаги ҳолатларнинг аниқланиши асос бўлади:

ер майдонларини ижарага олиш шартномаси шартларини қўпол равишда бузиш, яъни, энг аввало, фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалик экин майдонларидан мақсадга мувофиқ фойдаланмаслик;

фермер хўжаликларини шакллантириш чоғида белгиланган фермер хўжаликлари ихтисослашувини бузиш, контрактация шартномасида назарда тутилмаган қишлоқ хўжалик экинларини экиш;

ижарага берилган қишлоқ хўжалик экинзорларидан норационал фойдаланиш, мунтазам (уч йил мобайнида) норматив кадастр баҳосидан паст ҳосил олиш;

фермер хўжаликлари билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида, аввало, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш бўйича тузилган контрактация шартномаларининг шартларини мунтазам (уч йил мобайнида) бажармаслик;

хўжалик фаолиятини самарасиз ва паст рентабелли юритиш, фермер хўжалигини банкрот деб эълон қилиш, жумладан, моддий-техник ресурслар, ишлар ва хизматларни етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларни мунтазам равишда амалга оширмаслик.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш масалаларини ҳал этишда амалдаги қонун ҳужжатларига ва мазкур Фармоннинг қоидаларига қатъий амал қилсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка қатъий риоя қилиниши устидан тизимли назорат ўрнатсин ҳамда мансабдор шахслар томонидан суиистеъмол қилиш ва қонунчиликни бузиш ҳолатларининг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик бўйича зарур чораларни кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 18 апрел

● Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

*Президентимизнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида жорий йилда касб-ҳунар коллежларини битирадиган 450 мингдан ортиқ ўқувчини ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.*

# Ўрганса ўзига фойда

Шу муносабат билан ишлаб чиқариш ва битирув амалиётларини ўқув дастурлари асосида ўтказиш мақсадида корхона ва коллежлар ўртасида тузилаётган шартномалар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Тошкент автомобил ва йўллар касб-ҳунар коллежи маъмурияти олиб бораётган ишлар, айниқса, салмоқли. «GM-Uzbekistan» ҚК, «Самавто» ҚК, «Тошавтобустранс», «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси, 1, 2, 3, 4, 5, 7, 8-Автобус саройлари, «Интер-транс сервис» ОАЖ, «5-Такси саройи», Мерседес сервис хизмат кўрсатиш маркази, «1-Автотаъмирсервис» ШК, Тошкент вилоят АТК, «Равшан» МЧЖ, «Оқтепа автомобилчи» МЧЖ, «КамКО» ҚК каби кўплаб корхона ва ташкилотлар билан тузилган шартномалар бунга яққол мисол бўла олади. Коллеж маъмурияти ҳар бир битирувчининг иш жойини олдиндан белгилашга, ўқувчиларнинг амалиётни бўлғуси иш жойида ўташини ташкил этиш ва уларнинг аниқ бир иш жойига бириктириб қўйилишини таъминлашга астойдил бел боғлаган. Бунда «Уста-шогирд» тизими қўл келмоқда, албатта.

— Бугунги кунда коллежимиз 36 та йирик корхона билан шартнома тузган, — дейди коллеж директори Жасур Қулмуҳаммедов. — 2-3-курс ўқувчиларидан 1748 нафари ушбу корхоналарда амалиёт ўтамоқда.

Тошкент шаҳар йўловчи ташиш транспорти хизмати фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2011 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлардан келиб чиқиб, ушбу дастурнинг 6-бандига кўра йўловчи ташиш транспорт корхоналарига касб-ҳунар коллежлари автотранспорт мутахассислиги ўқувчиларини «Уста-шогирд» тизимига жалб этиш бўйича тадбирлар режаси ҳам бирламчи ишлар қаторига киритилди.

Режага асосан Тошкент автомобил ва йўллар касб-ҳунар коллежи «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасига қарашли «Тошшаҳарйўловчитранс» АК тасарруфидаги 10 та автобус саройи ва 11 та «Тошшаҳмахсустранс» ДУК билан «Уста-шогирд» тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида шартнома тузди. Коллежда 2010-2011 ўқув йили назарий дарслар билан бир қаторда амалиёт дарслари 2-3-босқич гуруҳларда, ҳафта кунларига тақсимланган ҳолда бошланди. Барча кафедралар томонидан босқич гуруҳларини 13.09.2010 йилдан бошлаб ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётига юбориш учун «Тошавтобустранс» ва «Тошшаҳюктранс» уюшмасига «Тошшаҳмахсустранс» ДУК бирлашмаси ва бошқа автотранспорт корхонасига хатлар тайёрланди ва ўқувчилар раҳбарларга бириктирилиб, корхоналарга юборилди.

— Назарий билимларни амалиёт билан қўшиб олиб бориш шахсан мен учун жуда фойдали бўлмоқда, — деди 2-курс талабаси М.Қосимов. — Бизга амалиёт кундаликлари, мавзулар режаси ўз вақтида берилиб, амалиёт раҳбарлари томонидан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Амалиётлар ташкил қилиниши учун кафедралар томонидан амалиётлар турлари учун услубий қўлланмалар ишлаб чиқилган. Бу эса ёш, билимдон кадрларнинг етишиб чиқишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ олган сурат**

● *Дил сўзи*

# Жоним ватан, жаҳоним Ватан!

***Ижодкор одам бироз бошқачароқ бўлади. Мен ҳам гоҳ-гоҳида турли хаёллар қуршовида қоламан. Яқинда бехосдан «Мен Ўзбекистонлик бўлмаганимда, ким бўлардим?» деган савол ич-этимни тирнаб ўтди. Тўғрисини айтсам, жавоб бериш шунчалар мушкул бўлдики, ўзга юртнинг пешонамга ёзилишини сира тасаввур қила олмадим. Ва ич-ичимдан тангрига мени айнан шу муқаддас заминда дунёга келтиргани учун беҳисоб шукрона айтдим.***

Бу баъзи бировларга ғалати туюлиши мумкин. Аммо мен буни толенинг улкан инъоми деб ҳисоблайман. Юртимизга ташриф буюрган сайёҳлар, аввало, элдошларимнинг ватанпарварлигига тан беради. Меҳмондўстлигига қойил қолади. Кўпчилик билади, қорақалпоқ халқи хонадонига ташриф буюрган қўноққа атаб албатта жонлиқ сўяди.

Ўзларини ривожланган деб ҳисоблайдиган бир давлатдан келган меҳмонга қишлоқларимизни томоша қилдирдим. Ўзига кўрсатилган иззат-ҳурмат, эҳтиромни кўриб, меҳмон ҳайратини яширолмади. Ахир, бирон хонадон соҳиби уни қуруқ қўл билан узатмади. Кимдир чопон кийдирди, ким картина совға қилди, яна биров қовун билан сийлади. «Халқингиз шунчалар бағрикенг эканки, мен балки дунёни шу инсонларнинг юраги тутиб тургандир, деб ўйлаб қолдим, — дея кўзига ёш олди меҳмон. — Мен ҳар қанча бадавлат бўлмай, бу қадар илтифотли бўла олмайман».

Аслида, бундай эътирофларни кўп эшитганмиз. Улар бизни ғурурлантиради, жўштиради, илҳомлантиради. Шу билан бирга, буюк Ватанга муносиб фуқаро бўлишга даъват қилади.

Муҳтарам Президентимизнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигини муносиб кутиб олишга доир қарори билан танишар эканман, қалбимни бир қатор фарахбахш туйғулар чулғади. Аввало, буюк йўлбошчи раҳнамолигида шунча муддатни собит-қадамлик билан босиб келаётганимиз ҳақида ўйладим. Албатта, бу осон бўлгани йўқ. Аммо мана шу йигирма йилда биз кеча пайдо бўлган халқ ё давлат эмаслигимизни, давлатчилик анъаналаримиз минг йилларга бориб тақалишини, буюк инсонларнинг авлодлари эканлигимизни дунёга ва ўзимизга исботлай олдик. Қолаверса, асрларга татигулик бунёдкорлик ишларини амалга оширдикки, буни тан олмасликнинг, тан бермасликнинг асло иложи йўқ.

Касаба уюшмалари ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигини муносиб кутиб олишга қаратилган тадбирларни аллақачон бошлаб юборди. Ҳар бир касаба уюшма аъзоси 20 тупдан ниҳол экиши ҳақидаги ташаббус кенг қулоч ёйди. Бизнинг Қорақалпоғистонда ҳам кўплаб янги боғлар барпо этилди.

Шу кунларда «Ўзбекистон, сени куйлайман» танловининг республика босқичига қизғин тайёргарлик кўряпмиз. Шу билан бирга, мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб кўплаб спорт мусобақалари, спартакиадалар уюштиряпмиз.

Ўзим ҳам репертуаримни истиқлолни, Ватанни мадҳ этувчи янги қўшиқлар билан бойитиш ниятидаман. Бу менинг юртдошларимга ўзига хос байрам туҳфам бўлади.

**Байрам МАТЧОНОВ,**
**Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, Маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси вакили**

● **2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили**

***Деновда Бобоқул Ўроқов деган одам бор. Илмли, уддабурон, айнан шу хислатлари эвазига бошқалардан бир қадам илгари юради. Ҳали кўпчилик «давлат бизни боқади» деб юрганда Бобоқул «Дўстлик» хусусий фирмасини ташкил этган эди. Ўшандаёқ у тадбиркорлик, ишбилармонлик дегани тайёр маҳсулотларни келтириб сотишдан иборат эмаслигини англаган ва ўзи йўқ нарсани бор қилишга интилган, халққа сифатли хизмат қилишга жазм этган эди.***

# Бобоқул Ўроқов ва унинг беш ўғли

Бобоқул Ўроқовнинг биринчи қилган иши Денов туманидаги «Гулистон» қўрғони яқинида жойлашган, анча вақтдан бери ишламай ётган ҳаммом биносини хусусийлаштириб олиш бўлди. Тадбиркор баъзиларга ўхшаб ҳаммомни бузиб, ғиштини, бетон плиталарини майдалаб сотишга тушмади. Аксинча, бинони сифатли таъмирлади, замонавий анжомлар билан жиҳозлади.

Ҳаммомдаги қулайликлар мақтовга сазовор. Айниқса, ҳовуз, шифобахш тузхона, ювиниб нафас ростлайдиган хонадаги қулай шароитлар, хизмат кўрсатиш маданияти, шифобахш гиёҳлардан тайёрланган чой мижозларга хуш ёқмоқда. Шу боис ҳаммом ҳамиша гавжум.

Тадбиркор фақат ҳаммом ташвиши билан ўралашиб қолмади. Кўп тармоқли тиббиёт маркази яқинида, катта йўл бўйида 60 та дўкондан иборат савдо мажмуасини барпо этди. Бироздан кейин Деновнинг Омборсой массивининг баланд-пастликлардан иборат қисмида пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган завод қурди. «Бобоқул Ўроқовлар» хусусий фирмаси тасарруфидаги бу ғишт заводида йилига 5 миллион дона сифатли ғишт ишлаб чиқарилаётир. Заводда Соҳибжон Омонов ижрочи директор, Бобоқул аканинг ўғли Ҳусниддин — иш юритувчи, яна бир ўғли Тожиддин — ишлаб чиқариш цехи бошлиғи. Корхонада айни пайтда 51 нафар киши меҳнат қилади. Бу ерда тайёрланаётган сифатли пишиқ ғиштлар қишлоқларда намунавий лойиҳа асосида қурилаётган якка тартибдаги турар-жой биноларига етказилмоқда ва аҳолига сотилмоқда. Корхона даромади ҳисобидан шу атрофда яшайдиган 20 та хонадонга электр тармоғи тортиб берилди.

«Дўстлик» хусусий фирмаси фаолиятни кенгайтира бориб, Карим Ҳандалов маҳалласидаги 2 гектарлик табиий кўлда балиқчилик хўжалиги ташкил этди. Ҳозирги пайтда бу кўлда сазан, оқ амур, дўнгпешона каби балиқлар боқилаяпти. Ўтган йили 2,5 тонна балиқ Денов бозорида сотилди.

Тадбиркор Бобоқул Ўроқовдан ибрат оладиган яна бир жиҳат бор. Беш ўғлининг ҳар бири бешўнтадан касб-ҳунарни эгаллашган. Уларнинг ҳар бири автомашина, трактор ва бошқа техникаларни бошқара олади ва энг муҳими, ўзи созлайди. Яна сартарошликни, электр ва газ пайвандчилигини, электр монтёрликни қойилмақом даражада уддалашади. Корхонада, ҳаммомда бирор носозлик вужудга келса, ёрдам кутмай ўзлари эплашади. Тадбиркорнинг фарзандлари ҳисоб-китобда ҳам моҳир.

Деновлик уддабурон ва ишбилармон Бобоқул Ўроқов қўли очиқлик, сахийликда ҳам тенгсиз.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Кооперация алоқалари — ривожланиш омили

***Президентимиз Ислом Каримов томонидан жорий йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилиниши мазкур тармоқни жадал ривожлантириш, унинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги улушини ошириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш, пировардида аҳоли даромадларини кўпайтириш ва фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.***

Тошкент вилояти ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржасининг очилишида бу алоҳида таъкидланди.

Тадбиркорлар учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратилган мазкур саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган озиқ-овқат, ноозиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, фармацевтика маҳсулотларининг кенг ассортименти намойиш этилмоқда.

**Суратларда: ярмаркадан лавҳа.**
**Отабек МИРСОАТОВ (ЎзА) олган сурат**

## Семинар

# Касаба уюшмалари ва инсон ҳуқуқлари

***Бухорода касаба уюшма қўмиталарининг ролини кучайтириш, аъзолар фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳаётда меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини кенг доирада тушунтириш борасида аниқ режали тадбирлар амалга оширилмоқда. Яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ҳамкорлигида вилоят касаба уюшма ташкилотлари фаоллари ҳамда вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари вакиллари иштирокида «Ўзбекистон Республикасида касаба уюшмалари ва инсон ҳуқуқлари» мавзуида ўтказилган ҳудудий семинар ҳам ана шундай тадбирлардан бири бўлди дейиш мумкин.***

Семинарда касаба уюшмаларининг меҳнаткашлар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи асосий ташкилот сифатидаги роли, Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатини ривожлантиришнинг муҳим йўналиш ва истиқболлари, меҳнаткашлар ҳуқуқларининг қонуний асослари тўғрисида фикр юритилди. Шунингдек, ижтимоий шериклик — касаба уюшмалари ва давлат идоралари ҳамкорлигининг асосий элементи, меҳнат муҳофазаси, ҳуқуқ ва ҳуқуқий кафолатлар, касаба уюшмаларини нодавлат нотижорат ташкилот сифатида рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш, молиявий таъминлаш, солиққа тортиш тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ бўлим мудири Мунира Самарходжаева, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Олия Юнусова, Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари Олим Жумаев, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси бўлим мудири Маҳмуд Исаев, шунингдек, вилоят адлия, солиқ, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари, прокуратура органлари вакиллари ўз мулоҳазаларини билдиришди.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***Худди шундай семинар Навоий вилоятида ҳам бўлиб ўтди. Унда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнаткашлар ҳуқуқларининг қонуний асослари сингари кўплаб масалалар ўрганилди ва атрофлича муҳокама қилинди.***

Иштирокчилар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази таълим бўлими мудири М.Самарходжаева, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати О.Юнусова, ЎзКУФК бўлим мудири М.Исаев, Навоий вилоят ҳокими ўринбосари С.Самадов, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Ж.Раҳмонов, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Ф.Болиев ҳамда вилоят солиқ бошқармаси бошлиғининг 1-ўринбосари М.Жаббаровнинг таҳлилларга бой маърузаларидан бахраманд бўлдилар.

Йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга ҳам тўлақонли жавоб олдилар.

**М.АЛОВУДДИНОВ**

## Миннатдорлик

***Ўқув йили бошида касаба уюшма қўмитаси раиси этиб сайланганимда эплай олармиканман, деган ҳадик бор эди. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан «Чимён» дам олиш масканида ташкил этилган минтақавий ўқув-семинар шу маънода мен учун айни муддао бўлди.***

# Ҳам ўқидик, ҳам дам олдик

Биз бу ерда дам олиш билан бирга, назарий маърузалар ва амалий тренинг машғулотлари орқали иш режалар тузиб, ҳаётга татбиқ этиш, касаба уюшмаси умумий ва қўмита йиғилишларини ташкил қилиш, жамоа шартномаларини тузиш ҳамда уларнинг бажарилишини муҳокама қилиш, ходимлар ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва интеллектуал манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан саволларга жавоб топдик. Олган назарий ва амалий билимларимиз Олтиариқ туманидаги 6-мактабгача таълим муассасаси ҳамда 1-ихтисослаштирилган мактабларда ҳаётга татбиқ қилинаётганлигини кўрдик ва бу менда касаба уюшма ишини олиб боришга янгича иштиёқ уйғотди.

Энди мен бу ерда олган билимларим орқали маданий ҳаёт, спорт ва оммавий тадбирларга жамоани жалб қила оламан, деб ўйлайман.

Минтақавий ўқув семинарини ташкил қилиб, ҳам ўқиб, ҳам маданий хордиқ чиқаришимизга имкон яратган тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашига миннатдорчилик билдираман.

**Умиджон ЮСУПОВ,**
**Жалақудуқ туманидаги 44-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси**

## Жамоа шартномаси ижроси муҳокамада

# Соғлом ва ишчан муҳит

***«Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонасида жамоа шартномасининг 2010 йилда бажарилишига бағишланган тадбирда корхона раҳбари Шермат Шамсиев ва касаба уюшма қўмитаси раиси Шароф Раҳматов амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот бердилар.***

Айни пайтда касаба уюшма қўмитаси таркибида 22 та цех ташколоти мавжуд бўлиб, улар 4569 нафар аъзони бирлаштирган. Ишловчиларнинг маънавий-маърифий билимларини ошириш, бўш ва дам олиш вақтининг мароқли ўтишига катта эътибор қаратилган. Шунингдек, ёшларни мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, турли тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш барча касаба уюшма ташкилотларининг устувор вазифаси экани таъкидлаб ўтилди.

Сўзга чиққанлар корхонада жамоа шартномаси бандларининг бажарилиши натижасида соғлом ва ишчан муҳит юзага келганидан мамнун эканини билдиришди.

Ўтган йили Қарши шаҳрида илғор ва кам таъминланган ходимлар учун барча шароитга эга уй қуриб берилган эди. Жорий йилда ҳам Муборак шаҳрида янги уй-жойлар барпо этиляпти. Ишчилар ишга махсус ажратилган автобусларда келиб кетишади. Касаначилик ташкил этилиб, янги иш ўринлари яратилган.

Меҳнаткашларнинг мазмунли дам олиши, соғлигини тиклаши учун сиҳатгоҳларга йўлланмалар ажратиш тартиби қайта ишлаб чиқилиб, жамоа шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра, ишчи-хизматчилар республикадаги турли сиҳатгоҳларда дам олишмоқда. Айни пайтда Шаҳрисабз тумани Қаъни қишлоғида дам олиш маскани қурилаётгани ҳам бу борадаги изланишлар самарасидир.

Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан ишчи-хизматчиларнинг фарзандларини дам олдириш ишлари кўнгилдагидек йўлга қўйилган. Жумладан, ўтган йили корхона тасарруфидаги «Ёш алангачи» болалар оромгоҳида 3100 нафар бола соғломлаштирилди.

Ўтган 2010 йилда 5 нафар нафақадорга ногиронлик аравачаси олиб берилди. Бундан ташқари, корхона томонидан Китоб туманидаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига мунтазам равишда ижтимоий-иқтисодий кўмак кўрсатиб келинмоқда.

Конференцияда делегатлар томонидан жамоа шартномасининг 2010 йилда бажарилиши қониқарли деб топилди. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастуридан келиб чиқиб, корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси олдидаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги вакили Жумақул Қурбонов корхонада жамоа шартномаси ва унинг бажарилишига ижобий баҳо берди.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Касаба уюшмалари ҳаётидан

**Ёшлар тарбиясига кўрсатилаётган ғамхўрлик миллатимиз келажагига қўйилаётган пойдевордир.**

# Камолот куртаклари

Коллежимизда 2229 нафар ўқувчи ўз қизиқишлари бўйича касб-ҳунар эгасига айланмоқда. Бу йўлда уларга 258 нафар ўқитувчи, ишчи-ходимлар бош-қош. Муассасамиз биноси шаҳарнинг фусункор биноларидан бири бўлиб, ўқув хоналари, кафедраларда замонавий технологиялар ўрнатилган. Кенг ва ёруғ спорт зали, фаоллар зали, ахборот-ресурс маркази ёшлар ихтиёрида.

Иш берувчи билан тузилган жамоа шартномаси бандма-банд бажарилаётир. Бу ишчи-ходимларга ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий соҳаларда яратилаётган шароитларда намоён бўлаяпти.

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилган. Уларни аниқлаш, малакали ўқитувчиларга бириктириш, илмий ва ижодий ишларга жалб этиш яхши самара бермоқда. Шу мақсадда 10 та спорт, 20 та фан тўгараги фаолият кўрсатмоқда. Изланувчан талабаларимиздан Лайло Орзиева Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. 3-босқич талабаси Ситора Олимова Республика миқёсида ўтказилган «Маърифатли юрт фарзандларимиз» деб номланган кўрик-танловда қатнашди. Бу коллежимиз жамоаси ишига берилган муносиб баҳодир.

**Маҳфуза ЙЎЛДОШЕВА,**
**Навоий педагогика коллежи касаба уюшма қўмитаси раиси**

## Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятидан

***Барча бўғиндаги корхона-ташкилотларнинг жамоа шартномалари ҳамда келишувларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида қўшимча имтиёзлар, кафолатлар яратилиши ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш комиссиямиз фаолларига топширилди. Шунга кўра, ўтган даврда комиссия аъзоларининг саъй-ҳаракатлари билан жамоа шартномалари ва давлат дастурларига асосан бир қанча ишлар амалга оширилди.***

# Аёлга бахт беринг...

1500 га яқин аёлларга фарзандларини икки ёшдан уч ёшга тўлгунга қадар парваришлаши учун 724 млн. 972,3 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Туғишгача ва туғишдан кейин ҳақ тўланадиган таътиллар кунини узайтириш 461 нафар аёлга татбиқ этилиб, бунинг учун 145 млн. 968,9 минг сўм маблағ сарфланди. Узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун янги оила қурган 8 нафар аёлга фоизсиз ссуда берилди.

Бундан ташқари, комиссия вилоят хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда 4298 нафар аёлни иш билан таъминлашга кўмаклашди. 153 нафар аёл касб тайёргарлигига юборилди, 170 нафар аёл эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. Банд қилиб қўйилган иш ўринларига 5578 нафар ёш болали ишламаётган оналар жалб қилинди.

Касаба уюшмалари тармоқ кенгашларидаги комиссиялар томонидан зарарли меҳнат шароитида ишлаётган аёлларнинг белгиланган имтиёзлардан фойдаланиши мунтазам назорат қилиб борилаётгани, хотин-қизлар ўртасида маданий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга эътибор қаратилиб, вақти-вақти билан муҳокама этиб борилаётгани ҳам таҳсинга лойиқ. «ДЭУ текстил Фарғона» масъулияти чекланган жамияти, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи жамоа шартномаларида аёллар, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида қўшимча имтиёзлар, кафолатлар яратилиши ва уларнинг бажарилиши аҳволи ўрганилди. Камчиликлар маъмуриятга билдирилиб, бартараф қилиш шартлари қўйилди.

Спорт мусобақаларига аёлларни жалб қилиш, соғломлаштириш йўналишидаги гуруҳлар сонини кўпайтириш, кам ҳаракат касбларда меҳнат қилаётган аёлларга гимнастика тўгаракларига қатнашиш имконини яратиш, улар ўртасида енгил атлетика, волейбол, стритбол, сузиш бўйича мусобақалар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бирлашма ва тармоқ кенгашларининг хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари хотин-қизлар қўмитаси ҳамда вилоят «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорликда меҳнат жамоаларида оилаларни мустаҳкамлаш, тинчлик ва тотувликни тарғиб этувчи «Оила бахти», «Оила тинчлиги — юрт тинчлиги», «Фарзандлар тарбиясида ота-онанинг ўрни» , «Никоҳ — муқаддас», «Келажак — ёшлар қўлида» каби мавзуларда тадбирлар 2011 йилда ҳам изчил давом эттирилмоқда.

**Муҳаббат ДАВЛАТЁРОВА,**
**Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясининг раиси, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси**

# Ўзига хос

***Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг обрўси ошиб, мустаҳкамланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли ҳам ортиб бормоқда. Бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда.***

Юртбошимиз «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да эътироф этганидек, «Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда». Мазкур жараёнда касаба уюшмаларининг изчиллик билан олиб бораётган фаолияти алоҳида эътиборга лойиқ.

Ташкилотимизнинг аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат билан боғлиқ жараёнларнинг тўғри ва самарали бошқарилишида иштирок этиши учун ҳуқуқий асослар етарли. Бу эса, табиийки, ходимлар ва иш берувчиларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, жамиятда ижтимоий тотувлик ва барқарорликни сақлаб туриш ишларида амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш учун ижтимоий шериклик тамойилини амалга оширишга шароит яратади.

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2011-2013 йиллар учун Бош келишув»нинг имзоланиши соҳа тараққиёти учун муҳим қадам бўлди. Мазкур ҳужжат касаба уюшмалари олдида турган қатор вазифаларни ижтимоий шериклар ҳамкорлигида ечиш, муайян муаммоларнинг ортиқча қийинчиликларсиз барҳам топишига имкон беради.

Бош келишувда белгиланган «Иқтисодиётни, мамлакатда ишлаб чиқаришни ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш»; «Меҳнатга ҳақ тўлаш, даромадлар ва турмуш даражаси»; «Меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш»; «Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги»; «Ижтимоий кафолатлар, ижтимоий ҳимоя»; «Маънавий-маърифий ишлар, жисмоний тарбияни оммалаштириш ишлари, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш»; «Ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шериклики ривожлантириш» каби йўналишларда шу пайтга қадар ҳам касаба уюшмалари муайян натижаларни қўлга киритиб келаётган эди. Мазкур ҳужжат эса таъкидланган муаммолар ечимини ҳукумат ҳамда иш берувчилар фаолиятининг кун тартибига киритилишида, шу билан бир қаторда, Юртбошимиз Концепцияда алоҳида эътибор қаратган ижтимоий шериклик тамойилларини ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

Бош келишувни синчиклаб кузатар эканман, белгиланган бандларнинг аксарияти минтақавий келишувимизда акс этганлигига гувоҳ бўлдим. Хусусан, «Наманган вилоят ҳокимлиги, касаба уюшма ташкилотлари Бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ўртасида вилоятдаги муайян ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муаммоларни ҳамкорликда ҳал этиш бўйича 2010-2012 йилларга тузилган минтақавий келишув»га биноан касаба уюшмалари томонидан 2010 йилда жамоа келишувлари ва шартномалари орқали 1740 та корхона ва ташкилотда 4275 нафар кам таъминланган ёш оилаларнинг вакилларига, кўп болали оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига 153,1 млн. сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 3514 нафар ходим, шу жумладан, ногиронлар, ёлғиз қариялар, уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оила аъзолари маданий дам олдирилди ва соғломлаштирилди. Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга ижтимоий суғурта жамғармасидан 482 млн. 952 минг 100 сўм сарфланди. Ҳокимият томонидан «Баркамол авлод йили»да аҳолининг муҳтож табақалари, кам таъминланган оилалар, ёш болали аёллар,

● Шукроналик

***Умр бир марта берилади. Ундан мазмунли ва самарали фойдаланган инсонгагина кексайган чоғида ўтган кунларидан мамнунлик ҳиссини туйишдек бахт насиб этади.***

# Ҳамон сафда

Ўртачирчиқ тумани Йўнғичқала қишлоғида туғилган Тўлаган Йўлдошев ана шундай ибратли ҳаёт йўли билан ёшларга ўрнак инсонлардан. Унинг болалиги урушнинг аянчли асорати давом этаётган йилларга тўғри келди. Ўрта мактабнинг 7-синфини битирган Тўлаганни кўплаб тенгдошлари қатори ҳаёт синовлари кутиб турарди. Турмуш ташвишларини елкасига ортган ўсмир 1960 йили механизаторлик курсини тамомлаб, булдозерчи сифатида иш бошлади.

Ўша йиллари ишчи кучи етишмаслигидан кўплаб ёшлар бошқа вилоят ва шаҳарларга бориб қурилиш ишларида қатнашарди. Т.Йўлдошев ҳам Навоий шаҳри қурилишида фаол иштирок этиб, 1965 йилда қатор медал ва фахрий ёрлиқлар билан уйига қайтди. Шундан сўнг жамоа хўжалигида механизатор, звено бошлиғи бўлиб, пахта етиштиришда жонбозлик кўрсатди.

1986 йилдан 2000 йилгача бригадир, бўлим механиги, бўлим бошлиғи лавозимларида ишлаган Т.Йўлдошевнинг фидокорона хизмати ҳукуматимиз томонидан муносиб эътироф этилиб, «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

— Тўлаган Йўлдошев сингари юртига ҳалол хизмат қиладиган, фидойи ва жонкуяр инсонларнинг ҳаёт йўли ёшларимизга мактаб вазифасини ўташи, шубҳасиз, — дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Ўртачирчиқ туман кенгаши раиси Олдор Сайфулин. — Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда унинг ишини кўплаб шогирдлари давом эттираяпти. Ўзи ҳам қишлоқ хўжалик ишларини олиб бориш бўйича туман кенгаши аъзоси сифатида қимматли маслаҳатларини аямайди.

Айни кунда фарзанду набиралари ардоғида кексалик гаштини сураётган Тўлаган ота қишлоқ фуқаролар йиғинининг ҳам фаол иштирокчиси.

— 70 ёшга кирибсиз, маза қилиб дам олмайсизми, дейди баъзан яқинларим. Умрим халқ орасида ўтди. Худога шукр, куч-ғайратим бор. Бир чеккада томошабин бўлиб туриш менга тўғри келмайди, — дейди Т.Йўлдошев.

Орамизда ана шундай фидойи инсонлар бор экан, мамлакатимиз гуллаб-яшнайверади.

**Шерзод АБДУСАМАДОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***Бухорода шифо масканлари кўп. Улар орасида «Ситораи Моҳи-Хоса» санаторийсининг кўрки, таровати, ўрни бўлакча. Бу ерга бир марта келган инсон такрор келишга, унинг мўъжизакор хуш ҳавоси, кўплаб дардларга дармон бўлгучи маъданли суви, жаннатмонанд манзараси, шулар қаторида феъли кенг, чеҳраси очиқ, ширинсухан, касб сирларини мукаммал ўзлаштирган шифокорлари муолажасидан яна баҳраманд бўлишга имкон излайди.***

***Ана шундай сир-синоатга бой гўзал масканнинг ўтмишу бугуни бошқаларга нисбатан Бухоро тиббиёти намояндаларидан бири Абдулла Ҳакимов учун ниҳоятда қадрли ва азиздир. 27 йилдирки, у раҳбар сифатида жамоани собитқадамлик билан бошқариб келади. Кундалик фаолиятида шунчаки ходимлар ишини назорат қилиш ёки топшириқлар бериб қолмай, ҳар куни янгилик излайди. Бошлаган ишлари юқори самара кўрсатса-да, кўнгли тўлиқ таскин топмайди, истиқболли режалар тузади.***

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

# Элим соғлиги — менинг бахтим



## дейди олий тоифали шифокор Абдулла Ҳакимов

Мана, одатдагидек, қуёш юз кўрсатмасданоқ санаторий дарвозасидан кириб келган Абдулла ака масканнинг бутун ҳудудини айланиб чиқди. Кенг чаманзорни эслатувчи гулзор атрофидаги ўриндиқлардан бирига ўтириб, ён дафтарчасига нималарнидир қайд этди. Баҳорнинг майин шабадаси унга ҳузур бағишларкан, хаёлан ўтмишга назар солди. Ёшлигидаги ҳаёт қийинчиликлари, ота-онадан эрта жудолик, олий ўқув юртида таҳсил олган пайтлардаги иқтисодий қийинчиликлар, дастлабки меҳнат фаолиятида дуч келган муаммолар ва уларни бартараф этиш жараёнлари кино тасмасидай бирма-бир кўз ўнгидан ўтди.

«...Абдуллажон, ёш мутахассис сифатида дастлабки фаолиятингни бошладинг. Бухоро шаҳридаги бу онкология диспансерида мамлакатимизга таниқли шифокорлар меҳнат қилишади. Уларнинг маслаҳату кўрсатмаларига қатъий амал қилган ҳолда беморлар дардига малҳам бўл. Қийинчиликлардан ҳеч қачон қўрқма. Зеро қасамёдингга содиқлик сенга эл олдида ҳурмат-эътибор келтиради. Аллоҳнинг шарофати, қўлингдан шифо топган инсонларнинг дуолари йўлингни нурафшон қилади...»

Ота ўрнида оилани бошқарган тўнғич ўғил Абдумалик Ҳакимов айтган ушбу насиҳатлар уканинг қон-қонига сингиб кетди. Шу ўринда эл эъзозидаги шифокор Абдулла Ҳакимовнинг ҳаёт йўлига қисқача назар ташласак. Ёш мутахассис илк бор иш бошлаган жамоасида 4 йил ишлаб, устозлари ишончини қозонди, элнинг ҳурматига сазовор бўлиб, дастлабки синовдан муваффақиятли ўтди. Юқори ташкилотлар раҳбарлари назарига тушди. 1984 йил, яъни «Ситораи Моҳи-Хоса» санаторийсига бош ҳаким этиб тайинлангунга қадар Қизилтепа тумани марказий касалхонаси, Бухоро шаҳридаги 2-сон вилоят касалхонаси ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг биринчи раҳбари сифатида ташкилотчилик, бунёдкорлик, билимдонлик борасида нимага қодирлигини амалда намоён этди. Нафақат бухороликлар, юртимиз аҳолиси, ҳатто хорижликларнинг назарига тушган «Ситораи Моҳи-Хоса»нинг бугунги кунда жаннатмонанд гўша, оҳанраболи масканга айлангани тасодифий эмас.

Ўтган аср 80-йилларининг иккинчи ярмида санаторийдаги шароит, имконият, ички ва ташқи қиёфа тубдан ўзгарди. Ҳудуд кенгайтирилган, ойнадек текис, тоза йўлаклар, кишини мафтун этувчи манзарали ва мевали дарахтлар, анвойи гуллар, юксак дид билан бунёд этилган ток сўрилари, ҳар қандай кишини ром этмай қўймайди. Инсон кайфиятини кўтаради. Дам олиб даволанувчиларга баланд руҳ, тетиклик бағишлайди.

Шифо масканининг ўзига хос хусусияти жуда кўп. Жумладан, бу ерда 1550 метр чуқурликдан 48С° ҳароратда маъданли сув чиқади. Ушбу шифобахш сув буйракдаги майда тошлар, тузларни парчалаб ташлайди. Ошқозон, ичаклардаги яллиғланишни даволаб, простата бези касалликларига чалинишнинг олдини олади. Соҳа мутахассисларининг эътирофича, ер юзидаги буйракни даволовчи 3 та машҳур сиҳатгоҳдан бири «Ситораи Моҳи-Хоса»дир. Дарҳақиқат, таҳлиллар шуни кўрсатганки, бу шифобахш сув Железноводск, Есентуки, Трускавецдаги санаторийларникидан бир қадар устун бўлиб, сув таркиби сулфат хлорид ва натрийга бойлиги билан ҳам даволанувчиларга манзурдир. Масканда нафталан шифоли балчиқ, парафин-озокерит, физиотерапия, лазер терапия, шифобахш уқалаш, жисмоний бадан тарбия, фитобар ва парҳез овқатлантириш имкониятлари мавжуд. Шунингдек, бу ердаги ошхона ва чойхона, маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, маданият саройи, спорт майдончалари, кутубхона, музей ҳамиша дам олувчи ва даволанувчилар хизматида.

— «Ситораи Моҳи-Хоса»нинг довруғини эшитиб, бу ерга деярли юролмайдиган ҳолатда келгандим, — дейди 84 ёшли қашқадарёлик Раҳим бобо. — 15 кун даволандим. Мана, бугун ҳассасиз уйимга қайтаяпман. Саломатлигимни шахсан ўз назоратига олган Абдулла Ҳакимов ва тиниб-тинчимас шифокорлардан миннатдорман. Отасига раҳмат!

Дам олувчиларга намунали хизмат кўрсатиш, жамоа обрў-эътиборини кўтариш кўп жиҳатдан ўзаро аҳиллик, касб бўйича юқори малакага эга бўлиш, кадрлар савияси ва ёндашувига боғлиқ. Бу борада етакчи Абдулла аканинг ўз йўриғи, услуби бор. У ҳар бир тадбир режасини бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Омон Ачилов ва унинг фаоллари билан келишган ҳолда тузади ҳамда амалга оширади. Жамоа шартномасида қайд этилган ишчи-ходимларга қулайлик яратиш, касб маҳоратини ошириш, уларнинг саломатликларини муҳофаза қилиш, манфаатдорлигини ошириш, фарзандларига ғамхўрлик кўрсатиш каби муҳим жиҳатлар ҳамиша эътиборда. Касаба уюшма аъзолари иморат қурадими, уй-жой шароитини яхшилайдими, маърака мавриди бўладими, ўғил-қизларини ўқитадими, албатта, маъмурият ва касаба уюшма қўмитасининг қўшимча имтиёзларидан баҳраманд бўлади. Икки томонлама ҳамкорлик 106 нафар касаба уюшма аъзоларининг ўзаро ягона мақсад сари интилишларида муҳим омил саналади.

Бозор иқтисодиёти шароитида жамоаларнинг белгиланган ҳар бир режаси аниқ ҳисоб-китобни талаб этади. «Ситораи Моҳи-Хоса» ҳам бундан мустасно эмас. Жумладан, ўтган йили санаторийда дам олувчилар учун 2500 та йўлланма сотилиши режалаштирилган эди. Йил якунида эса ушбу кўрсаткич 3473 тага етди. Биргина юқоридаги рақамларнинг ўзи санаторийга талаб ва эҳтиёжнинг ортиб бораётганини тасдиқлайди. Жорий йилда эса дам олувчиларни янада кўпроқ жалб қилиш, уларга намунали тиббий ва маданий хизмат кўрсатиш чоралари кўрилаётгани эътиборга моликдир.

— Сиз бахтингизни нимада кўраяпсиз? — деган саволга Абдулла ака шундай жавоб берди:

— Аввало, мамлакатимизнинг мустақиллиги, юртимизнинг тинчлиги ва фаровонлиги, давлатимиз Президентининг доно сиёсати ҳамда раҳнамолиги ҳар бир ўзбекистонлик учун бебаҳо бойлик. Шифокор эканман, шахсий ҳаётим мазмуни билан бевосита боғлиқ шиорим: «Элим соғлиги — менинг бахтим» дейман. Зеро, юрти тинч, рўзғори тўкин, турмуши фаровон, энг муҳими, тани соғ, иймони бутун инсонларгина буюк сарҳадлар сари дадил қадам ташлашга қодир бўлади.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V қурултойи делегатлари ватандошларимизга қилган Мурожаатида Истиқлолимизнинг 20 йиллик тўйига тўёна сифатида «Кўчат экиш - савобдир» шиори остида юртимизни янада обод қилишга чақирганди. Ушбу даъват ҳамюртларимиз томонидан қизғин кутиб олиниб, юртимизнинг барча гўшаларида хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Галдаги вазифа эса, Мурожаатда таъкидлангани каби, жамоатчилик назорати асосида ниҳолларнинг тўла кўкартириб олинишига эришишдир.***

# Кўкартириб олинганни ҳисоб

**СУРХОНДАРЁ** вилоятида қатор ибратли ишлар амалга оширилаяпти.

Шартномага кўра, Туркия ва Сербия давлатларидан кўчатлар етиб келди. Мутахассислар ёрдамида Сариосиё, Узун, Шўрчи, Олтинсой, Денов ва Бойсун туманлари далаларида пакана ва ярим пакана навли олма дарахтлари кўчатларини ўтқазиш қисқа муддатда ниҳояланди. Жумладан, Сариосиё туманида 50 гектар майдонда мевали боғлар ташкил қилинмоқда. Бу иш билан асосан «Абдусалом Зайниддин», «Сариосиё сабзавот», «Шоҳруҳ» фермер хўжаликлари шуғулланаётир. «Абдусалом Зайниддин» фермер хўжалиги аъзолари чекига тасарруфидаги даланинг 10 гектарига Туркиядан келтирилган олма кўчатларини ўтқазиб, томчилатиб суғориш усулида боғ барпо этиш тушган. Фермер хўжалиги даласида 85 киши 17 минг туп ниҳолни ўтқазишда фаол қатнашди. Улар ишини кузатдик. Туркиянинг «Спарта ЭЭДИ» кўчатчилик компаниясидан келган вакиллар кўрсатмасига асосан ўрачаларга икки-уч бел майин тупроқ ташлаб, 50 грамм аммафос солинарди. Сўнгра яна икки бел майин тупроқ ташланиб, кўчат жойлаштирилади. То пайванд қилинган нуқтасигача тупроққа кўмилиб, устидан бир-икки челак сув қуйилаяпти.

Шунингдек, Сариосиё тумани «Ҳурватан» маҳалласи ҳудудида «Ёшлар боғи» барпо этилди.

Боғга «Хонжиза» полимер металлар конида меҳнат қилаётган Олмалиқ тоғ-кон-металлургия комбинати ишчи-хизматчилари асос солишди. Улар 5,7 гектар майдондан иборат янги истироҳат боғига юзлаб мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экишди.

Кончилар томонидан қурилаётган «Ёшлар боғи»да режага кўра фавворалар бунёд этилади. Болалар учун хилма-хил аттракционлар ўрнатилади.

Бу боғ келгусида байрамлар, сайиллар ва тантаналар ўтказиладиган кўнгилочар масканга айланади.

**Р. ДАВЛАТОВ**

**БУХОРО**. Шофиркон туман йўлсозлари томонидан қақраб ётган чўл ҳудудидаги 2 гектар майдонда барпо этилган «Йўлсозлар боғи» бугун ҳамманинг ҳавасини келтирадиган масканга айланган.

Айни кунда 200 туп олма, беҳи, гилос ва олча кўчатлари экилган боғда агротехник тадбирлари ўтказилмоқда, Бу ишларга корхона раҳбари А.Ҳамидов ҳамда касаба уюшма қўмитаси раиси Ф.Маҳмудов бош-қош. Ҳар ҳафтанинг дам олиш кунлари ходимлар оила аъзолари билан чиқиб, ушбу боғни обод қилишга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

**Шаҳодат ИХТИЁРОВА,**
**Автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмасининг Бухоро вилоят вакили**

* * *

Мактабимиз атрофидаги ер майдони алоҳида-алоҳида майдончаларга ажратилиб, уларга мингдан ортиқ мевали дарахт кўчатлари экилди. Истаймизки, юртимиз янада обод бўлсин. Йиллар ўтиб, эккан ниҳолларимиз меваси фарзандларимиз, набираларимиз дастурхонини тўкин қилсин.

Самараси фақат эзгулик бўлган хайрли тадбирга ҳиссамиз қўшилганидан мамнунмиз. Ватанни севиш, асраб-авайлаш, унинг ободлиги йўлида қаторда туриш бахтдир. Бу бахт ҳар биримизга насиб этсин.

**Илҳом ҲАМИДОВ,**
**Ғиждувон тумани 30-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси**

**ҚАШҚАДАРЁ.** Қарши туманидаги Ширкент маҳалласида бир боғ борки, ҳавасингиз келади. Бу боғни уч йил олдин Турсун бобо Абруев ўз маблағи ҳисобидан яратди. Аслида, Турсун бобонинг касби ўқитувчи — 40 йил ёш авлодга математика фанидан пухта билим ва тўғри тарбия берди. Ҳозир ёши 72 да. Нафақага чиққач ҳам уйда тинч туролмади. «Абруев Фахриддин» фермер хўжалигини ташкил этиб, боғ қилишга киришди. 26 гектар майдонга ҳар хил мевали кўчатлар ўтқазилди. Кўчатлар Фарғона водийсининг Олтиариқ, Қува туманларидан сотиб олиб келинди. Олча, гилос, шафтоли, олма дарахтлари айни кунларда барқ уриб ривожланмоқда. Намангандан уста боғбонлар ёлланиб, дарахтлар буталди.

Дарахтлар ўтган йили ҳосилга кирган эди. Бу йил ҳосил ғуж-ғуж. Меҳнатга яраша даромад бўлади, албатта.

**Худойберди НАЗАРОВ,**
**меҳнат фахрийси**

* * *

Касби туманида шу кунгача 1 млн. 495,3 минг туп мевали ва манзарали кўчатлар, 720 мингдан зиёд терак, ток, анор ва тол қаламчалари экилди.

Бундан ташқари, катта йўл трассалари, маъмурий бинолар ҳудудларида ободонлаштириш ишлари билан бирга, мевали ва манзарали дарахтлар ҳамда гул кўчатлари экиш ташкил этилмоқда. Вилоят ҳокимининг «Боғдорчилик ва узумчилик соҳасини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, 23 та ташкилот ва фермер хўжаликларига 89 гектар ер майдони ажратилиб, янги боғ барпо этилди.

Туманда мавжуд 1306 гектар боғнинг 85 гектарида суғориш, оқлаш, кимёвий ишлов бериш ишлари бажарилди. 246 гектар токзорнинг 11,3 гектари реконструкция қилиниб, 27,4 гектар майдонда токзорлар барпо этилиши натижасида 124 та янги иш ўрни яратилди.

**Б.ИСЛОМОВ,**
**АСМ ходимлари касаба уюшмаси Касби туман кенгаши раиси**

**НАМАНГАН.** Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Уйчи туман бирлашган қўмитаси ҳам ибратли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, бир қатор таълим муассасаларида иссиқхоналар қурилди. Уларда лимон, помидор, бодринг ва кўкатлар етиштирилмоқда. 40-сиҳатгоҳ типидаги махсус мактаб-интернатда бирлашган қўмитанинг боғи яратилди. 106 минг туп терак ва 56 минг туп гул қаламчалари экилди. Келгуси йили қаламчалар белгиланган ерларга экилиб, теракзорлар барпо қилинади.

**М.ТЎХТАБОЕВ,**
**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Уйчи туман бирлашган қўмитаси раиси**

●Ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида

# Дастурламал

боқувчисини йўқотган, ногирон фарзанди бор оилаларни, ёлғиз кексаларни ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари кўрилиб, ушбу мақсад учун 96,3 млрд. сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Вилоятда касаба уюшмалари томонидан иш ҳақининг ўз вақтида бериб борилиши, иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни бартараф этиш чоралари кўриб борилди. Бу ўтган йилда иш берувчиларга 55 та талабнома, 14 марта маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига, 3 та ҳолатда судларга даъво аризаси киритилди, 5 марта давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясига мурожаат этилди. Амалга оширилган ишлар натижасида 909,5 млн. сўм иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик ундирилишига эришилди.

Аҳолини иш билан таъминлаш дастурига биноан барча йўналишлар бўйича белгиланган чора-тадбирлар ва дастурларга мувофиқ 71159 та иш ўринлари яратилди.

Вилоятда коммунал хизмати соҳасини яхшилаш, маҳаллалар (ҚФЙ) ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, унинг ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, турар-жой, табиий газ тармоқларини тортишга йўналтирилган дастурлар амалга оширилди. Аҳоли ва корхона маблағлари ҳисобидан 864 минг кв.м турар-жойлар қурилиб, 188,4 км. ичимлик суви, 93,5 км. табиий газ тармоқлари тортилди.

Ўтган йил давомида 191 та корхона ва муассасадаги 25047 нафар ходим касаба уюшма сафига олинди. 29 та корхонада эса бошланғич касаба уюшма ташкилотлари тузилди ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари жамоа шартномаларини тузиш орқали ҳимояланди.

Вилоятда ишловчилар меҳнатини муҳофаза қилиш учун бюджет ҳисобидан 1 млрд. 891 млн. 300 минг сўм маблағ сарфланиб, касаба уюшма қўмиталари билан келишилган ҳолда ишлатилди.

Яна бир ижтимоий шеригимиз — Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

Кичик бизнес субъектларига замонавий мини технологияларни жалб этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспортга йўналтириш мақсадида «Ўзэкспомарказ»да ўтказилган V халқаро ихтисослаштирилган «Uzbekistan Agro Mini Tech Expo — 2010» минитехнологиялар ва ихчам ускуналар кўргазма савдосида 170 нафардан ортиқ тадбиркор ва фермер хўжалиги раҳбарлари иштироки таъминланди. Кўргазма давомида вилоят бўйича минитехнология ва ихчам ускуналар, қишлоқ хўжалик техникаларига умумий қиймати 3 млрд. 913 млн. 700 минг сўмлик 62 та шартнома ва келишув баённомалари имзоланди.

Тадбиркорликни кенг халқ оммаси ўртасида тарғиб қилиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, ўзаро тажриба алмашиш мақсадида «Ташаббус — 2010» кўрик-танловининг туман (шаҳар) ҳамда вилоят босқичлари ўтказилди. Танловнинг республика босқичида «Йилнинг энг яхши фермери» йўналиши бўйича «Чашмаи Сафед» фермер хўжалиги 1-ўринни эгаллаб, олтин медал ҳамда «Матиз» автомашинаси, «Тўрақўрғон ширинлик Агро» корхонаси 2-ўринни эгаллаб, кумуш медал ва 5 млн. сўмлик мукофотга сазовор бўлишди. Шу ўринда фахр билан тилга олиш мумкинки, жорий йилда ҳам мазкур танловнинг «Энг яхши тадбиркор» номинацияси ғолиби «Замин Туркистон» МЧЖ раҳбари Бахтиёр Умаров бўлди. Бу каби тадбирлар минтақавий келишувимизда ўз аксини топган. Унда белгиланган вазифаларни изчил амалга ошира бориш орқали қатор ютуқларни қўлга киритмоқдамиз.

Бош келишувдаги айрим меъёрий ҳолатларни тармоқ, ҳудудий келишувларимизга ҳамда жамоа шартномаларига киритиш орқали амалга оширишимиз лозим. Бунинг учун барча асос ва шароитлар етарли.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Президент Ислом Каримов «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши катта аҳамият касб этишини таъкидлаган эди. Мазкур қонун лойиҳасини мукаммал тайёрлашда тарафлар тенг ҳуқуқ билан иштирок этишлари мумкин. Бош келишувнинг 7.1-бандида келтирилганидек, «Ижтимоий-иқтисодий масалаларни тартибга солувчи миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича келишилган чораларни амалга ошириш Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига» киритилса, аввало, миллий қонунчилик базамиз такомилига ўзига хос ҳисса қўшилган, шу билан бирга, соҳа ичидаги айрим муаммоларга ҳуқуқий ечим топилган бўларди.

* * *

Ҳаёт тинимсиз ҳаракат ва ривожланишдан иборат. Бундай шароитда вазиятни олдиндан кўриш имконини берадиган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган мамлакат ва халқгина муваффақиятга эришади. Қатор стратегик кўрсатмаларни ўзида жам этган Бош келишув ходимлар ва иш берувчилар учун ўзига хос дастуруламал вазифасини ўтайди. Бу муҳим ҳужжат ижроси келгуси икки йилликда меҳнат ва у билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос тизимини яратишига ишончим комил.

**Пайзулла ПАЯЗОВ,**
**Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси**

Омон бўлинг,
# МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2011-yil 19-aprel № 49 (2930)



Маъулумки, биз китобларни тури, мақсад-мавзуси ва аҳамиятига қараб ўрганамиз. Бадиий, ижтимоий-сиёсий, тарихий мавзудаги китоблар орқали ёш авлод, қолаверса, ҳар бир китобхон билимини оширади, тафаккурини ривожлантиради. Абдураҳмон Жомий «Дунёда китобдан ёқимлироқ дўст, ундан ортиқ ғамхўр йўқ, унда юз роҳат бор, ҳеч қачон озор йўқ» дея лутф қилган экан.

Дарвоқе, коллежимиз ахборот-ресурс маркази ходимлари томонидан турли касбдаги кишилар ҳамкорлигида «Китоб дилга нур беради», «Бадиий адабиётлар — миллий ғоя жарчиси» мавзуларида ва «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари юзасидан мунтазам равишда суҳбатлар, ижодий кечалар ўтказиб келинаётир.

Йилнинг тўрт фасли манзараларини ифодаловчи фотосуратлар, этюдлар инсон онги ҳамда фикр доирасини кенгайтиради, бадиий ижодни эъзозлаш ва қадрлашга ундайди.

Ахборот-ресурс марказида 18500 нусхадан зиёд адабиётлар мавжуд. Коллежимизда шонли саналарга атаб китоб ярмаркалари ўтказиш анъана тусини олган бўлиб, бунда касаба уюшмаларининг ёрдами беқиёсдир. Ғазал мулкининг султони Алишер Навоий, таниқли шоир ва ёзувчилардан Асқад Мухтор, Зулфия, Абдулла Орипов кабиларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишлаб ўтказилган бадиий кечалар барчада илиқ таассурот қолдирди. Энг кўп китоб ўқиган ўқувчилар рағбатлантирилмоқда. Шу ўринда ахборот-ресурс маркази раҳбари, олий маълумотли мутахассис Шоҳида Мансурованинг ташкилотчилигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Халқ маорифи аълочиси Ғайбулла Алмуродов, меҳнат фахрийлари Абдураҳим Жонибеков, Маҳмуд Шомирзаев кабиларнинг фаолияти, ҳаёти ҳақида мароқли суҳбатлар ўтказилди. Биз юқорида тилга олган инсонларнинг шахсий кутубхоналаридан жаҳон ва ўзбек адабиётининг сара асарлари жой олган бўлиб, айни пайтда ўқувчиларимиз улардан баҳоли қудрат фойдаланишмоқда.

Бинобарин, матбаачилар меҳнатининг нечоғлик машаққатли эканлигини тушуниб, дарслик, қўлланма ва бошқа турдаги адабиётларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳар биримизнинг вазифамиз бўлмоғи лозим.

**Бахтинисо НОМОЗОВА,**
**Ғаллаорол туманидаги тиббиёт коллежи ўқитувчиси**

*Маънавият сарчашмаси*

***Қоғоз кашф этилмасдан бир неча йил муқаддам қадимги Рим, Миср ва Юнонистонда бўлгани каби бизда ҳам кишилар ўз фикрларини тош, сопол, суяк ва бошқа воситалар орқали ифода этганлар. Қоғознинг кашф этилиши китобчилик тарихида янги даврни очиб берди.***

# Китоб — дўст ва ҳамкор

*Футбол*

# Пешқадамларнинг иши пишиқ

***Апрел ойининг 14, 15, 16, 17-кунлари Ўзбекистон профессионал футбол лигасининг 6-тур ўйинлари ўтказилди. Бу мавсумда ўз ўйинлари билан кўпчиликни ҳайрон қолдираётган ҳамда турнир жадвалида 4-ўринда бораётган «Бухоро» клубини ўз уйида қабул қилган «Пахтакор» жамоаси қийинчилик билан ғалабага эришди – 1:0. Чемпионликни қўлга киритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Қаршининг «Насаф» клуби ўз майдонида Жиззахнинг «Сўғдиёна»сини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, тўплар нисбатига кўра 1-ўринга кўтарилиб олди. Кучли учликдан ўрин эгаллаб турган «Бунёдкор» эса Самарқандга сафар қилиб, «Динамо» мухлисларини ранжитди – 0:1. Турнинг бошқа ўйинларида қайд этилган натижалар ҳамда турнир жадвали қуйидагича:***

**6 - ТУР**
**16.04.2011**

«Андижон» — «Металлург» 0:1
«Олмалиқ» — «Машъал» 2:2
«Қизилқум» — «Навбаҳор» 0:0

**17.04.2011**

«Нефтчи» — «Шўртан» 0:0

## Турнир жадвали

| № | Жамоа | Ў | F | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | «Насаф» | 6 | 5 | 1 | 0 | 11-2 | 16 |
| 2. | «Бунёдкор» | 6 | 5 | 1 | 0 | 9-1 | 16 |
| 3. | «Пахтакор» | 6 | 5 | 1 | 0 | 7-1 | 16 |
| 4. | «Бухоро» | 6 | 3 | 2 | 1 | 4-2 | 11 |
| 5. | «Навбаҳор» | 6 | 2 | 3 | 1 | 3-2 | 9 |
| 6. | «Андижон» | 6 | 2 | 2 | 2 | 7-5 | 8 |
| 7. | «Машъал» | 6 | 2 | 2 | 2 | 7-9 | 8 |
| 8. | «Қизилқум» | 6 | 1 | 3 | 2 | 2-3 | 6 |
| 9. | «Металлург» | 6 | 2 | 0 | 4 | 6-10 | 6 |
| 10. | «Олмалиқ» | 6 | 1 | 2 | 3 | 7-9 | 5 |
| 11. | «Нефтчи» | 6 | 1 | 2 | 3 | 4-7 | 5 |
| 12. | «Динамо» | 6 | 0 | 1 | 4 | 1-4 | 4 |
| 13. | «Сўғдиёна» | 6 | 0 | 2 | 4 | 5-11 | 2 |
| 14. | «Шўртан» | 6 | 0 | 2 | 4 | 4-11 | 2 |

## Тўпурарлар

| | | |
|---|---|---|
| 1. Л. Солиев | (Андижон) | 3 |
| 2. А. Фоменко | (Сўғдиёна) | 3 |
| 3. Д. Савич | (Пахтакор) | 3 |
| 4. З. Холмуродов | (Машъал) | 3 |
| 5. А. Геворкян | (Насаф) | 3 |
| 6. М. Мамазулунов | (Олмалиқ) | 2 |
| 7. Ф. Мусаев | (Машъал) | 2 |
| 8. И. Нагаев | (Металлург) | 2 |

**А. АРСЛОНОВ**

*Қарор ва ижро*

***Айни пайтда ҳар бир маҳаллада замонавий болалар майдончаларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу болаларни спортга кенг жалб қилиш, соғлом турмуш тарзига ўргатишга хизмат қилади.***

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 декабрда қабул қилинган «Болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этишнинг 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур қарор ижроси доирасида пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги қатор маҳаллаларда қулай, кўркам ва замонавий жиҳозланган болалар спорт майдончалари ташкил этилмоқда. «Шайхонтоҳур», «Оқ тепа», «Камолон» маҳаллаларидаги мавжуд спорт майдонлари таъмирланиб, зарур инвентарлар билан жиҳозланди.

**Суратларда: футбол тўгараги қатнашчиси Мурод Ғайратов; (чапдан иккинчи) футбол тўгараги мураббийи Нодир Маҳмудов шогирдлари Мурод Ғайратов, Мурод Одилов, Комил Зоҳидовлар билан.**

**Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар**

*Қуюнчак муштарий сўзи*

***Яқинда йўлда ҳамроҳ бўлган аёлнинг гаплари диққатимни тортди. Содда ва самимий кечган суҳбатнинг эътиборли жиҳати шунда эдики, аёл бир неча йиллардан бери пойтахтда бўлмаган, шу сабаб бу ерда кечаётган янгиланишлардан ўта ҳайратланганди. Уни тўлқинлантирган нарсалардан яна бири, янги, замонавий кўринишга эга бўлган автобуслар эди.***

# Тозалик ҳар куни керак

Бугун пойтахт кўчаларида аҳолига хизмат қилаётган автоуловлар ҳар жиҳатдан кўркам кўринишга эга бўлиб, уларда яратилган имкониятлар йўловчилар учун мослаштирилган. Кенг ва ёруғлиги, ўриндиқларнинг янгича кўриниши, текис ва равон ҳаракатланиши турли ёшдаги йўловчиларнинг манзилларга хотиржам етиб олишларини таъминламоқда.

Лекин бир мулоҳаза борки, буни ҳам айтиб ўтмасак бўлмас. Яъни айрим жамоат автобуслари ички қисмларининг қаровсизлиги, кирланиб кетган ўриндиқлар ва автобус ҳаракатланаётганда кўтарилган чанглар таъбингизни хира қилади. ISUZU русумидаги енгил автобусларнинг аксариятида пардалар йўқ, борлари ҳам жуда ғижим ва хира тортган.

Тобора чирой очиб бораётган йўлларга ярашиқли жамоат транспортларидаги бундай камчиликларни бартараф этиш, айтиш жоиз бўлса, истеъмолчига бўлган хурматни таъминлаш баробарида, йўловчи ташиш маданиятини бир қадар оширишга ҳам ҳисса қўшади.

Mercedes Benz отлиғ автобусга биринчи марта чиққан бояги аёл бундай ҳолатни балки сезмас. Бироқ, ҳар доим жамоат транспортидан фойдаланувчилар бу каби нохуш манзаралар билан деярли ҳар куни юзлашадилар.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, биз йўловчилар транспортлардан фойдаланиш вақтида тозалик қоидаларига, аввало, ўзимиз риоя этишимиз, айрим орқада ўтириб «рассомлик» қиладиган ўсмирларни кўрганда, беэътибор бўлмаслигимиз зарур. Бу бизнинг шаҳар орасталиги ҳамда кишилар саломатлигига дахлдор эканлигимизни англатади.

**Н. АСАДОВА**

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси собиқ бош муҳаррир ўринбосари **Абдунаби МАННОПОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

# Кўзлар қачон қувонади?

Сайилгоҳ. Ўзининг гўзал манзаралари, сўлим табиати билан киши юрагига илҳом бағишлайдиган бу гўшадан кунда уч-тўрт маротаба ўтамиз. У ҳамиша рассомлар ва санъат шайдолари билан гавжум. Ҳаёт ташвишлари билан бўлиб, ҳар доим ҳам кўнгил оламига сайр қилишга вақт тополмаймиз. Шу сабабданми, ҳар гал қўлида фотоаппарат ёки мўйқалам ушлаган инсонларнинг «суратга тушасизми?», ёки бўлмаса, «суратингизни чизиб берайми?», деган саволларига секингина бош ирғаб «йўқ, раҳмат» деган ишора билан жавоб берамиз-у, йўлда давом этамиз... Лекин бу сафар ундай бўлмади. Қандайдир бир куч мени суратда кўриб турганингиз мана бу рассомнинг ёнида бир лаҳза тўхташга ундади. Кейин эса, суҳбатга тушиб кетдик:

— Кунда 2-3 та сурат чизаман, — дейди ўзини Илҳом Ҳусанов деб таништирган рассом акамиз. — Ижодкор қалам тебратиб турмаса, ўсишдан тўхтаб қолади. Шу сабаб бўш вақтларимда бу ерга келаман ва кўпроқ портрет жанрида ижод қиламан. Рассом дўстларим билан учрашаман. Ижод намуналарим дунёнинг Америка, Саудия Арабистони, Австралия, Ҳиндистон, Хитой, Корея, Туркия каби давлатларида сақланади. Ўзим




бу давлатларнинг бирортасида бўлмаганман. Лекин ижоднинг қаноти жуда учқур бўларкан.

— Фотоасар билан мўйқаламда чизилган суратнинг осмон билан ерча фарқи бор, — дейди рассом акамиз сўзида давом этаркан. — Рассом сурат чизаркан, унга жон бағишлашга ҳаракат қилади. Асарларим одамларга ёқса, хурсанд бўлиб кетаман.

Ҳа, ижодкор учун ўз ижодининг инсонларга ёқиши катта бахт. Аммо одамларгачи? Уларнинг бу борадаги фикрлари қанақа?

— Ўз суратимни илк бора чиздиришим, — дейди талаба йигит Анвар Аъзамов. — Буларнинг ижоди менга ёқди. Суратим кўнглимдагидек чиқибди. Барака топсин!

Азиз биродар, сиз яқин инсонингизнинг кўзлари қачон кўпроқ қувонишини ҳеч кузатганмисиз? Ҳаёт ташвишлари билан бўлиб эътибор бермабман, дейсизми? Ҳечқиси йўқ. Бундан кейин, албатта, эътибор бериб кўринг. Инсон ўзига ёқадиган суратга боққанида, унинг кўзларида гўёки юлдузлар порлагандек бўлади. Ишонмасангиз, бир эътибор бериб қаранг-а! Сўзларимнинг ростлигига ўзингиз ҳам ишонасиз.

**Назира БОЙМУРОДОВА.**
**Муаллиф олган сурат**

*Санъат ғунчалари*

***Бешкент шаҳрида ўтган йили Болалар мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилган эди.***

# Ҳавас

— Муассасада 8 та бўлим фаолият кўрсатяпти. Халқ чолғу асбоблари, торли асбоблар, тасвирий санъат, амалий санъат, анъанавий ашула, гитара, фортопиано ҳамда хореография бўлимларида ўқувчилар мусиқа ва санъатнинг нозик сирларини ўрганмоқда, — деди директор ўринбосари Суҳроб Турсунов.

Эътиборли томони, март ойида Китоб шаҳрида ўтказилган Қори Ёқубов номли санъат танловида ушбу мактабнинг халқ чолғу асбоблари гуруҳи қатнашчиси Ғолиб Қўйлиев ғижжак ижросида 2-ўринни олган бўлса, анъанавий ашула бўйича Шерали Жўраев совриндор бўлди.

**Худойберди НАЗАРОВ,**
**меҳнат фахрийси**

*Билиб қўйган яхши*

***Кўпчилигимиз учун сақич кундалик зарур нарсага айланиб бормоқда. Биз у ҳақда реклама шиорларидан бошқа яна нимани биламиз? Резинка сақичлар хавфлими ёки йўқ?***

# Резинани чўзма

Кундалик ҳаётда биз овқатни яхшилаб чайнашни ҳар доим ҳам жойига қўявермаймиз. Ҳатто қаттиқроқ таомлардан кўра юмшоқроқ овқатларни афзал кўрамиз. Бу эса, тиш-жағ тизимига таъсир қилиб, «чайнаш дангасалиги»га олиб келади. Сақич эса жағ мушаклари учун тренажёр ҳисобланади. Бундан ташқари, пародонт томирларни қон билан бойитади, оғиз бўшлиғи мушакларига ижобий таъсир кўрсатади. Тўғри, бироз вақт ўтгач, аксил жараён юз беради — томирларда қон «туриб қолади». Бунга йўл қўймаслик учун «резинка»ни беш дақиқадан ортиқ чайнаманг. Сақич тишларингизни овқат қолдиқларидан тозалаш ва ҳазми таомни енгиллаштиришгагина хизмат қилсин.

Аммо оч қоринга сақич чайнаш хавфли, чунки чайнаш жараёнида пайдо бўлган ошқозон суюқлиги (хлор-водород кислотаси) ошқозон деворларини «ея бошлайди». Оғизда сақич билан чекишни врачлар умуман тавсия қилишмайди — барча зарарли моддалар яна ошқозонга «ўтириб қолади».

Ҳимоялайди, тозалайди, мустаҳкамлайди! Одатда реклама роликларида шундай ваъдалар беришади. Ҳақиқатан ҳам резинка сақич кариес «маҳлуқлари» билан жанг қилишда ҳақиқий қурол ҳисобланади. Сақичлар таркибига кирувчи баъзи шакар ўрнини босадиган моддалар туфайли ошқозонда ферментация жараёнини ҳосил қилиб, ичак ишини бузиб, ичак ҳаракатини ва ҳазм қилиш тизимини ишдан чиқаради. Ҳатто ошқозон ва ичак ярасини ҳосил қилиши мумкин